
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

Муҳандислик қурилиш инфраструктураси факультети

Геодезия ва кадастр кафедраси

“Социал-иқтисодий картография” фанидан

КУРС ИШИ

Мавзу: Хоразм вилояти социал - иқтисодий томондан ривожланиши ва
географик ҳолати

Текширди: Гульмурзаева Р.Е.

Бажарди: 3-10ГКК гуруҳ

талабаси Рихсиев М.

Тошкент-2014

План:

1 Кириш

2 Мамлакат тўғрисида умумий маълумотлар, унинг географик ҳолати

3 Вилоят хўжалигининг умумий тавсифи

3 Энергетика

4 Тоғ-металлургия мажмуаси

5 Машинасозлик

6 Нефть-газ мажмуаси

7 Кимё саноати

8 Агросаноат мажмуаси

9 Озиқ-овқат саноати

10 Енгил саноат

11 Ўрмон хўжалиги ва урмон саноати

12 Қурилиш материалларини ишлаб чиқариш

13 Транспорт

14 Ташқи иқтисодий алоқалар

15 Охирги 3 йил ичида иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг асосий кўрсаткичлари:

- Ялпи ички маҳсулотлар

- Фаолиятнинг асосий турлари бўйича

- Саноат ишлаб чиқариши

- Агросаноат мажмуаси

- Истеъмол бозорининг баҳоси

- Асосий капиталга инвестиция

- Ташқи иқтисодий фаолият

- Ижтимоий ривожланиш

16 Хулоса

17 Фойдаланилган адабиётлар руйхати

Кириш

Хоразм республиканинг шимолий - ғарбида жойлашган вилоят. У шимолий –ғарбдан жанубий-шарқда 270-280 км масофага чўзилган. Вилоятнинг Урганч шаҳри кенглигига ғарбдан шарқга узунлиги 80 км. Майдони 6,3 минг кв/км. Хоразм вилояти маъмурий жиҳатдан 10 та туман, 3 та шаҳар ва 7 та.

Саноат, транспорт, алоқа, мудофа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерларга саноат корхоналарига, шу жумладан кон саноат, энергетика корхоналарига ишлаб чиқариш ва ёрдамчи бинолар ҳамда иншоотлар қуриш учун, темир йўл, ички сув транспорти, автомобиль, ҳаво ва трубопровод транспорти корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига транспорт иншоотлари, қурилмалари ва бошқа объектлардан фойдаланиш, реконструкция қилиш, таъмирлаш, алоқа линияларини ҳамда уларга тегишли иншоотларни жойлаштириш учун алоқа, радио эшиттириш, телевидение ва ахборот корхоналари, муассасалари ва ташкилотлар киради.

Табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадларига мўлжалланган ерларга алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар эгаллаган, табиий даволош омилларига эга бўлган ерлар, шунингдек оммавий дам олиш ва туризм учун фойдаланиладиган ерлар киради.

Республикамизда 2008 йил 1-январ ҳолатига кўра жами фермер хўжаликларининг сони 215776 тани ташкил этиб, уларга ажратиб берилган ер майдони жами 5899,2 минг гектарни, шундан экин ерлар 3557,2 минг гектар, кўп йиллик дарахтзорлар 256,4 минг гектар, бўз ерлар 42,1 минг гектар, яйлов ва пичанзорлар 1410,2 минг гектар ҳамда бошқа қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ерлар 633,3 минг гектарни ташкил қилади.



1. Мамлакат тўғрисида умумий маълумотлар, унинг географик ҳолати

Урганч шаҳри (аҳолиси 138 минг киши). Вилоятнинг иқтисодий ва маданий маркази. Шаҳарнинг ўртасидан Шовот канали кесиб ўтган. Урганчда ўзбек халқининг миллий Жалолиддин Мангубердига бағишлаб бунёд этилган хайкал , Авесто китобининг 2700 йиллигига бағишлаб боғ барпо этилган. Бу ерга жаҳоннинг

турли бурчакларидан сайёхлар келади. Хива (аҳолиси 50минг киши) ер шаридаги қадимий шаҳарлардан бири. Шаҳар меъморий ансамблнинг яхлитлиги жихатдан бутун Марказий осиёда ягона ҳисобланади. Хивада Ичон қаъла 4 та дарвоза орқали ташқи қалъага чиқилади. Кухна арк, калта минор, пахлавон махмуд мадбараси узунлиги 6 км бўлган Дишон қала каби ўнлаб обидалар сайёхлар этиборини ўзига жалб қилмоқда. Иқтисодий географик ўрни. Вилоятнинг географик ўрни бошқа вилоятларга нисбатан анча ноқулай бўлиб, мамлакатнинг ривожланган марказларидан анча узоқда жойлашган. Аммо унинг худудидан мўрта осиёниевропа билан боғловчи темирйўлларнинг кесиб ўтканлиги бу ноқулойдликларга қисман бўлса ҳам барҳам беради.


Вилоят аҳолиси 1,4 млн киши. У бу кўрсаткич бўйича жаззах, Навоий, Сирдарё вилоятларидан олдинда. Аҳоли зичлиги 1кв/км майдонда 224 киши ва бу борада Андижон, фарғона, Наманган вилоятларидан кейин 4 – ўринда туради. Аҳоли миллий таркибида ўзбеклар салмоғи энг кўп бўлган вилоят-Хоразмдир. Маркази Урганч шаҳри. Хоразмда жуда қадимий давлатчилик мавжуд бўлган. Унинг худудидан “Буюк ипак йўли” ўтган.

2. Вилоят хўжалигининг умумий тавсифи

Хоразм вилояти шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг сони фойзда 67,5 шаҳар бўйича, 32,4 қишлоқ бўйича. Қора ва рангли металлургия, машинасозлик ва метални қайта ишлаш, кимё, қурилдиш материаллари, енгил (пахта тозолаш) озиқ – овқат саноатии билан шуғулланади.

Табиий шароти ва ресурслари. Вилоят ер юзаси пасттекисликдан иборат. Текисликда инсон фаолияти натижасида вужудга келган антропоген рельеф шакллари анчагина майдонларни эгаллайди. Улар инсонларнинг кўр асрлар давомида ариқ ва каналларни тозалаш натижасида вужудга келган. Хоразм тилида буни рошлар дейилади.

Амударё водийси қирғоқлари дарё ўзанига томон пасайиб боради. Дарёга яқин жойларда Амударё тез-тез бўлиб турадиган сув босиш, яъни “дейдиш” ҳодисасининг олдини олиш учун кочилар қурилган. Дарё қирғоқларида унлаб километр масофада дамбалардан таркиб топган рельеф шакллари анча майдонларни эгаллайди. Иқлими кескин континентал, қиши совуқ, қор кам бўлади.



Дешифровка ишлари
утказилмаган ҳудудлар

Дешифровка ишлари
анъанавий усулда
бажарилган

1:10000 миқёсдаги
электрон рақамли
хариталар

Хоразм вилоятида электрон рақамли қишлоқ хўжалик хариталарини тайёрлаш 10% га бажарилди.

Вилоятда қишлоқ хўжалик хомашёсига ишлов берувчи саноат ривожланган. Хоразм қадим замонлардан иқтисодий тараққий этган ўлка ҳисобланади. Сайёх ал-Мақсидий хоразм иқтисоди ҳақида: кулранг олмахон, тулки, қундуз, эчки, мол терилари, қолпоқ, балиқ, оқ терак пўстлоғи, мис, ўрмон ёнғоғи, қилич совут, қайин, узум, қовун, майиз, кунжут, гилам, печенье, кўрпалар ташқарига чиқарилади.

3. Энергетика

Вилоятда оғир саноатнинг етакчи тармоғи электр энергияси. Электр энергиянинг асосий қисмини Тахиатош ИЭС ва туямуйин ГЭС ишлаб чиқаради. Машинасозлик ва металлни қайта ишлаш билан шуғулланади.

Электр қуввати ҳозирги замон ишлаб чиқаришни, хатто транспорт ва қишлоқ хўжалигини ҳам электр қувватисиз тасаввур қилиш қийин. Бу соҳанинг ўзига хос хусусияти шундаки, у маҳсулотни, яъни электр қувватини жамғариб, омборхоналарга йиғиб бўлмайди.

4. Тоғ-металлургия мажмуаси

Металлургия қайта ишлаш билан шуғулланади.

5. Машинасозлик

Вилоятда оғир саноатнинг етакчи тармоғи машинасозлик.

6. Нефть –газ мажмуаси

Вилоят газ билан – Газлидан Берунийгача ораликда газ билан таъминланади.

7. Кимё саноати

Питнак ва қоравул туманларида кимё саноати ривожланган.

8. *Агросаноат мажмуаси*

Қишлоқ хўжалигида яроқли ерлар 570 минг гектарни ташкил қилади. Шундан 214 минг гектари суғориладиган ерлар, қолган и яйлов ва ўтлоқлардан иборат. Қишлоқ хўжалигини ишлаб-чиқариш ихтисослигига эга бўлган зоналарга ажратиш мумкин: пахтачилик, пахтабўғдойчилик, пахташоличилик, пахтачорвачилик, бўғдорчилик-полизчилик-сабсаботчилик, шаҳар атрофи қишлоқ хўжалиги ва қисман қорақўлчилик. Сўғориладиган экин майдонларининг 40% пахта, 25 % донли экинлар. Вилоят шолічилик бўйича Қорақалпоғистондан кейин 2-ўринни эгаллайди.

Хоразм вилояти тупрогининг сифати баҳоси

Жадвал-1

Хоразм вилояти	Ёмон ерлар		Ўртачадан паст ерлар		Ўртача ерлар		Яхши ерлар		Энг яхши ерлар		Жами
	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	
	625	8839	46296	34932	82052	49291	11848	102		233985	

9. *Озиқ-овқат саноати*

Хазораспда “Хоразм шакар” заводи, Хондада дон махсулотлари комбинати, Озиқ –овқат саноати турларидан шакар, ёғ-мой, ун ишлаб чиқилади.

10. *Енгил саноат*

Вилоятда саноатнинг асосий тармоғи енгил саноат ҳисобланади. Унинг етакчи корхоналари пахта тозалаш. Улар туманларда жойлашган. Гурланда тўқмачилик мажмуаси барпо этилган. Хивада гилам комбинати. Унинг маҳсулотлари кўп гина мамлакатларга экспорт қилинади.

11. Ўрмон хўжалиги ва ўрмон саноати

Ўрмон фонди ерларига ўрмон билан қопланган, шунингдек ўрмон билан қопланмаган бўлса ҳам, ўрмон хўжалиги эҳтиёжлари учун берилган ерлар киради. 2008 йил 1 январ ҳолатига ўрмон фонди ерларининг умумий майдони 8661,1 минг гектарни ёки жами ерларнинг 19,5 %ини ташкил қилади. Шундан Хоразм вилояти бўйича ўрмон фонди ерларининг тақсимланиши қуйидаги жадвалда кўрсатилган.

Жадвал-2

Т/Р	Республика, вилоятларнинг номи	Умумий майдон	Экин ерлар	Қўп йиллик дарахтзорлар										
				Шу жумладан					Бўз ерлар	Пичонзорлар ва яйловлар	Жами қишлоқ хўжалиги ерлари	Томорқа ерлар	Ўрмонзорлар	Бошқа ерлар
				Жами	боғлар	узумзорлар	тутзорлар	Мевали дарахтлар						
13	Хоразм	87,5	0,2	0,1				0,1		50,9	51,2		32,6	3,7
	Жами:	8661,1	10,9	9,1	7,5	0,1	0,2	1,3	1,4	2361,1	2382,5	2,0	2731,4	3545,2

12. Қурилиш материалларини ишлаб чиқариш

Қурилиш материаллари саноат учун зарур бўлган оғак, қум, шағал, ғишт хомашёси кўп учрайди. Урганчда темир бетон буюмлари заводи, Урганч уйсозлик комбинати, Урганч ва Қўшқўпир ғишт заводлари фаолият кўрсатмоқда.

13. *Транспорт*

Вилоятда темир йўллар узунлиги 130 км га яқин. Автомобил йўлларининг узунлиги 400 км дан ошади. Урганч шаҳарида халқаро аэопорт бор. Бу ердан мамлакатимиз ва МДХ даги йирик шаҳарларга самалётлар парвоз этади. Транспорт ва иқтисодий алоқалар иқтисодиётнинг тараққиётида муҳим роль ўйнайди. Худудларнинг ўзлаштирилганлиги уларнинг транспорт билан таъҳминланганлиги иқтисодий ривожланган даражаси ва аҳолининг турмуш шароитларининг яхшилигини ифода этади.

1. Умумий транспорт;

2. Мажмуали:

3. Тор тармоқли

Ундан ташқари юк ва пассажир транспорти карталари алоҳида ажралиб кўрсатилади. Республика комплекс атласида қўйидаги 6 та карта берилган

1. Темир йўл транс;

2. Транспорт транс;

3. Юк автотранс;

4. Автомобиль транс;

5. Ҳаво транс;

6. Темир йўл орқали юк жунатиши транс.

Шаҳар транспорт унинг худудида ва шаҳар атрофида йўловчи ва юк ташишга ихтисослашган, шунингдек шаҳарни ободонлаштириш билан боғлиқ ишларни амалга оширувчи транспорт воситаларидан иборат.

Шаҳар транспорти қўйидагиларни ташкил топган:

- транспорт воситалари –ҳаракатланувчи состав:
- йўл қурилмалари –рельсли йўллар, тунеллар (ер ости йўллари), кўприклар, бекатлар, станциялар ва машина тўхташ жойлари;
- кемалар тухтайдиган жой (пристан) ва қайиқ станциялари;
- электр таҳминоти воситалари (куч билан тортувчи электр топстанциялари, кабел ва контакт тармоқлари, бензин қуядиган станциялар, бензоколонкалар);
- таъмирлаш устахоналари ва заводлар;
- депо ва гаражлар;\
- Техник хизмат кўрсатиш станциялари;
- Алоқа, сигнализация, блокировка;
- Диспетчер бошқаруви.

Шаҳар йўловчи транспорти қўйидагиларни ўз ичига олади:

- Оммавий жамоат транспорти- трамвай, троллейбус, автобус;
- Кўчада юрмайдиган тезюрар транспорт метрополитен, кўча транспорти тезюрар трамвай, монорельсли йўллар, конвейерли транспорт;
- Енгил автомобил транспорти- таксомоторлар, идоравий ва шахсий автомашиналар;

- *Икки гидракли транспорт-мотоцикллар, мотороллерлар, мопедлар ва велосипедлар;*
- *Сув транспорти- “дарё трамвайи”, моторли ва эшакли қайиқлар.*

14. *Ташиқ иқтисодий алоқалар*

Урганчда халқаро аэрапорт мавжуддир. Урганч ва Хивага кўпгина чет эл туристлари зиёратга келадилар . Улар учун замонавий меҳмонхоналар ва дам олиш масканлари мавжуд. Хозир Урганч қуйи Амударёдаги обод шаҳар. Шаҳарда озиқ-овқат ва енгил саноатнинг ўнлаб корхоналари жойлашган. Урганчда университет, қурилиш, банк, автомобил, енгил саноат коллежи, театр, телекомпания ва бошқа маданий муассасалар жойлашган. Хоразм ўзининг буюк сиймолари билан жаҳонга мавжуд. Буюк математик, жаҳонга алгебра ва алгоритмни тадқиқ этган Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий, Абу Райхон Беруний шулар жумласидандир.

15. *Охириги 3 йил ичида иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг асосий кўрсаткичлари:*

Саноат, транспорт, алоқа, муҳофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар: умумий майдон-15,4; экинёрлар-0,5; кўп йиллик дарахтзорлар жами-0,2; боғлар-0,1; мевали дарахтлар-0,1; пичанзор ва яйловлар-0,1; жами қишлоқ хўжалик ерлари-0,8; томорқа ҳамда боғдор ва сабзавотчилик уюшмалари ерлари - 0,2; ўрмонзорлар – 1,8; бошқа ерлар-12,6. Табиатни муҳофаза қилиш,

соғломлаштириш, рекрация мақсадлардаги мўлжалланган ерлар:
умумий майдон-0,3; кўп йиллик дарахтзорлар жами-0,1; боғлар-0,1;
Тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар: умумий майдон-57

Фойдаланган адабиётлар

1. Ўзбекистон географияси А.М.Латипов
2. Ўзбекистон миллий энциклопедияси
3. ИНТЕРНЕТ